

ТОНГЮЛАДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 йил 1 августдан чиқа бошлаган

№ 31 (7003 - 7004)
1999 йил, 7 октябрь

Сотувда эркин нархда

Шохруҳбек Ваҳобов
гўзал Фарғона вилояти,
Фарғона туманидаги 4-
мактабнинг 5-“А” синфида
ўқийди. Аъло ўқиш билан
бирга мактабдаги “Ёш
қаламкашлар”, “Тасвирий

*Кўшни Қирғизистонда
бўлаётган воқеалар биз
болаларни ҳам хушёрроқ
бўлишга чақиради. Яқинда
Президентимиз Фарғонада
бўлдилар ва Фарғона халқи
ҳамиша ўз-ўзини ҳимоя
қилишга қодир, деб*

*Билсанг агар хунарли,
Ўрнинг бордир ҳар
жойда.
Қилсанг ҳалол
меҳнатни,
Кўрарсан сен роҳатни.*

ТИНЧЛИК ТАРАФДОРЛАРИ

санъат” тўғарақларига
қатнашади.

Шохруҳбек меҳнаткаш
бола. Уни таниган катта-ю
кичик: - Шохруҳбекнинг
сира бўш вақти йўқ. Доимо
бирон-бир керакли юмуш
билан банд. Дарсларини ўз
вақтида тайёрлайди. Уй
ишларида ота-онасининг
ёрдамчиси, бобосининг
дастёри, синфдошларининг
энг яқин маслаҳатчиси.

Сухбатимизнинг
бошланиши унинг чиройли
исми ҳақида бўлди.

*-Ота-онам довлорак, ўз
юртига хизмат қиладиган
меҳр-оқибатли инсон
бўлсин, деб менга шундай
исм қўйишган. Энди навбат
бу ниятни амалга
оширишга, -* деди Шохруҳбек.

*айтдилар. Бу сўз бизни аъло
ўқишга, интизомли, эл-
юртга ҳалол хизмат
қиладиган инсон бўлиб
етишишга даъватдир.*

Шохруҳбекни
бобосининг дастёри дедик.
Уларнинг катта полизи бор.
Полиз экинлари
парваришида Шохруҳбек
ҳам бобосига кўмакчи.

У болалик чоғиданоқ
бирон-бир хунарни эгаллаш
кераклигини билади. Зеро,
хунарманд инсондан ҳеч
қачон ёмонлик чиқмайди.
Чунки унинг бекорчи вақти
бўлмайди-да. Хунарли инсон
ҳамиша элда азиз, дейди
унинг бобоси. Бу ҳақда
Шохруҳбекнинг ўзи ҳам
шундай деб шеър ёзибди.

*Хунарманд кўп жаҳонда
Элга келтирар фойда.*

*Номингни ёйиб элга
Олажаксан раҳматни.*

Мен Шохруҳбекдан
келажакдаги орзулари
ҳақида сўрасам:

*-Оиламиз
хуқуқшунослар оиласи, -
деди. - Шунинг учунми бу
соҳага жуда қизиқаман.
Қанийди бутун ер юзиди
тинчлик, дўстлик абадий
қарор топиб ҳеч ким ҳеч
нарсани талашмаса! Ҳа-
я, бу ўткинчи оламда биз
нимани талашамиз-а?*

Шохруҳбеклар
хотиржамлиги, уларнинг
орзу умидлари рўёби учун
ТИНЧЛИК бериңг
болаларга!

Феруза ОДИЛОВА.



Мен учувчи бўлганда
Тинч сақлайман осмонни.
Булут, ёмғир ё қорда
Кўкда учмоқ осонми?

Ҳаммадан ҳам бомбалар
Портламасин хуркитиб.
Ўқ отмасин одамлар
Бир-бирини қўрқитиб-

дейди замондошингиз АБДУВОҲИД.



АКАМ МЕНГА СИНФДОШ

Ёшим 10 да. 6-синфда
ўқийман. Илк бор биринчи
синфга 5 ёшимдан акам
Сарварбекка эргашиб
борганман. Шу-шу ўқиб
кетдим. Кўп ўқитувчиларим
бизларни эгизак деб
ўйлашади.

Синфдошларим мени
ҳурмат қилишади. Чунки
ўқишларим фақат аъло.
Гоҳида ўйлаб қоламан.

Яхшиямки тезда
ўқишларни ўзлаштириб
олдим. Агарда ўқий
олмаганимда ота-онам,
акам олдиларида уялиб
қолардим.

Баъзан шеърлар ҳам
ёзиб тураман. Ёзган
шеърларимни синфдош

ака-опаларимга ўқиб
бераман. Улар мени шоир
бола деб ҳам эркалашади. Бу
менга ёқади. Насиб бўлса
уларнинг ишончини
оқлайман.

Зафар МИРЗАЕВ,

Қашқадарё вилояти,

Қарши шаҳридаги

З.М. Бобур номи

27-мактабнинг

6-«А» синф ўқувчиси.


ШИРИН СЎЗЛАРИ, МЕҲРЛИ КЎЗЛАРИ


Мактабимиз ўқувчилари
ўқитувчилар ва мураббийлар кунини
интизорлик билан кутишганди. Байрам
ҳам биз кутгандек жуда яхши ўтди. Биз
устозларни қанчалик ҳурмат қилмайлик,
қанча суймайлик бари оз.
Устоз сўзида чексиз меҳр-муҳаббат бор!
Илк бор биринчи синфга борганимни
сира унутмайман. Жуда ҳаяжонда эдим.
Шунда устозимизнинг ширин сўзлари,
меҳр тўла кўзлари менга тасалли берди.
Қаранг, шунга ҳам 11 йил бўлибди.
Мактабни битириш арафасида турар
эканман, барча устозларим олдида таъзим
қиламан.

Умрингиз зиёда бўлсин. Юзингиздан
табассум, лабингиздан кулгу аримасин,
азиз устозлар.

Барно
АБДУРАҲМОНОВА,
Тошкент шаҳар Собир
Раҳимов туманидаги
23- мактабнинг 11- синф
ўқувчиси.

Ўзнинг юлагузинга
обуна
бўлишга
шошилиңг!





Қўраб

Пулга китоб сотиб олса бўлади, аммо илм сотиб ололмаймиз, деб айтган эди буюк файласуф Сухрот. "Ҳадемай баҳор келади". "Тонг", "Нон таъми", "Номаълум қуш" каби кўплаб китоблар муаллифи Ўктам Ҳакимали чиндан ҳам илм соҳиб. Шунинг учун унинг китобларидаги асосий ғоя инсонни билим сари етаклашдир. Китобни шамол ҳам varaқлаши мумкин. Гап уни ўқий билишда. Аслида-ку шу гапни такрорлаб юрадиган азиз ёзувчимиз бу йил 60 ёшга тўлдилар. Болалар учун қайғурмоқ - келажакка қайғурмоқ номли рукнимиз

муаллифи ҳақиқий болапарвар Ўктам Ҳакималига болалар самимияти ва кўтаринки кайфият тилаймиз. Болажонлар кўнглига йўл топа оладиган китоб ва газета саҳифаларимизни тўлдирадиган мақолалар ёзишлари учун эса сиҳат-саломатлик... Газетамизнинг келгуси сонларида ёзувчининг "Сехрли тулки" асарини чоп этишни режалаштирганмиз. Уруш даври болаларининг оғир ҳаёти, ногўғри қадам босиши натижасида умри хазон бўлиши ҳақидаги тарбиявий аҳамиятга молик асарни ўқиш учун "Тонг юлдузи"нинг янги сонларини кутинг.

Суратда: ёзувчи Ўктам Ҳакимали қизи Орифа билан.

"Соғлом авлод" - ижодкорларга

Ўқитувчилар ва мураббийлар куни мамлакатимизда кенг тантана қилинди. Шогирдлар ўз устозларига гўзал ишлари, илиқ сўзлари, қадрли совға-саломлари билан эҳтиромларини баён қилдилар. "Тонг юлдузи" жамоаси ҳам байрам кунлари ўз ҳаяжонини ҳаммага улашди. Сабаби- фарзандлар тарбияси билан қайғурадиган ижодкорларимиз ҳам ўзига хос устоз-да!

Кичик жамоада педагогик матбуотдаги самарали меҳнати, таълим ривожини ва унинг муаммоларини матбуот саҳифаларида ёритишдаги хизматлари учун Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълочили ва фахрий ёрликлар

билан мукофотланганлар меҳнат қилишади. Байрам кунларида ижодкорларимизга табрик телеграммалари келиб турди. Мушпарийларимиз ўз хат ва хабарларида бизни ҳам қутлашга улгуришди. "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармасининг маърифат ва маънавият бўлими бошлиғи Анвар Қозоқбоев таҳририятимизга ташриф буюриб камтарин меҳнатимизни юқори баҳолади. Берилаётган саҳифалар ёш авлод соғломлигида ҳиссаси каттадир, деди.

-Биз соғломлик деганда энг аввало маънавий баркамолликни тушунамиз.

Бунинг учун эса газета таҳламларидан истаганча материаллар топиш мумкин... Шу куни ходимларимизга "САМАУ" ироқи совуни, "ARIEL" кир ювиш воситалари, "Blend-a-med" тиш тозалагичлар улашилди. Каттадир-кичикдир совға-ўз номи билан совғада! Азизлиги, қадрлилиги билан устозлар кўнглига йўл топадиган байрамимиз бор бўлсин.



Абдужалил Зокиров

Қачонлардир вақти келиб Абдужалил Зокиров ҳақида хотиралар ёзаман, деб ўйламаган эдим.

Аслида у киши ҳақида таниқли журналист Наримон Орифжонов ёки машҳур ёзувчи Тохир Малик ёзгани маълум эди. Сабаби, Абдужалил ака

деб маслаҳат берди.

Абдужалил ака билан худди ўша кунларда ҳозирги "Шарқ" концернининг босмаҳонасида танишиб қолдик. Ниҳоятда содда ва дўлвори, хушчақчақ ва дилкаш бу иштиги ўша-ўша ўз акамдек яхши қўриб қолдим.

... Орадан йиллар ўтди.



Абдужалил ака билан ёнма-ён эгатта тушиб "подбор" тараётгандик. Мен этакка соламан. Абдужалил ака эса ариқ ичига уюм-уюм қилиб кетаверади ва ариқнинг у бошига етгандан кейин ҳаммасини йиғштириб солади. Қарабсизки, гумбаздек бўлиб турибди! Лекин ҳамиша ҳам шунақа бўлавермасди. Абдужалил

аканинг ҳазилкаш укалари - Асрор Аброрхўжаев билан Баҳром Аҳмедов у киши букчайганча "подбор" тараётган пайтда орқасида қолдириб келаётган уюмдарни ўмариб кетишади. Абдужалил ака эса хайрон. "Бошқа ариққа тушиб қолдимми?" - деб довлдираб юради. Ёки "чарчадим, мениям пахтамини топшириб келақолинглар", дейди. Биз тарозуга топшириб қайтамыз. Албатта у киши терган пахтадан 2-3 kilosини ўзимга ёздириб... Абдужалил ака буни сезмайди. Кечқурун эса хуноби ошади. "Ҳамма билан баравар тераман-у, негадир баракаси йўқ" деб жиғибийрон бўлади. Биз эса куламыз.

Абдужалил ака ана шунақа, болалардек содда одам эди. Хотирамизда ҳам шундайлигича қолди.

Абдужалил ака яхши ижодкор эди. Қиссалар, ҳикоялар ҳам ёзганди. Аммо эълон қилишга шонмасмиди ё пайманармиди, билмадим. Лекин бошқаларни ёки мени бирон нарсам газета ё журналда чиққанини кўрса, худди ўзиники босилгандек суюниб юрарди.

Қизиги шундаки, Абдужалил ака охир-оқибат, ҳали



ҳаётлигидаёқ бадиий асар қаҳрамонига айланди. Тагин унча-мунча китобнинг эмас, айнан кейинги йилларнинг энг машҳур асари "Шайтанат"нинг бош қаҳрамонларидан бири бўлди. Қадрдон дўсти Тохир Малик асар қаҳрамони Асадбекнинг болалик ўртоғи Жалил образига Абдужалил акани таллади. У ҳаётда қандай бўлса шундоқлигича асарга киритди.

"Шайтанат" асосида олинган видеофильмда эса бу образни Абдужалил аканинг бошқа бир қадрдон Ўзбекистон халқ артисти Хайрулла Саъдиев маҳорат билан ижро этди.

Менимча, томошабинлар ва китобхонлар сал-пал довлдироқ, аммо ўта ақлли ва сермулоҳаза, кўзойнақ тақиб, дўппи кийиб юрадиган бу қаҳрамонни севиб қолишган бўлиши керак!

Абдужалил Зокиров худди ана шу қиёфада, ҳамиша болалардек содда ва самимий инсон сифатида хотирамизда сақланиб қолаверди.

Эркин УСМОНОВ.

БОЛА БЎЛИБ ЯШАГАН ИНСОН

Наримон Орифжоновнинг суюкли шогирди, Тохир Маликнинг энг яқин қадрдон дўсти эди. Вақти соати билан улар ҳам ёзишар...

Шундай қилиб, бугунги болалар ажойиб инсон, маҳоратли журналист ва ўзига хос ёзувчи Абдужалил Зокировни яхши билмасликлари мумкин.

Аммо мен ва тенгқурларим уни яхши биярлик, дейишга журъат этаман. Чунки биз ҳали мактаб партасида ўқиб юрган кезларимиздаёқ унинг исм-фамилияси маълум ва машҳур эди. Абдужалил ака ўша вақтларда "Гулхан" журналида ишларди. Кўп ёзарди. Ёзганлари кўп чиқарди.

Йўқ, сал илгарилаб кетдим, шекилли...

Аслида мен Абдужалил ака билан 1966 йил танишгандим. Ҳали мактабда ўқирдим. Ёзги таътил кунларининг бирида марҳум журналист Шухрат Қосимов мени янги ташкил этилган "Тошкент бинокори" газетасига курсерликка ишга таклиф қилди. "Кўчада шаталоқ отиб юргандан кўра иш ўрган", -

Тақдир тақозоси билан Ўзбекистон радиосига ишга бордим ва яна Абдужалил ака билан учрашдим. У киши ўша пайтларда "Ёшлик" радиостанциясида хизмат қиларди.

Умуман олганда раҳбарлар ҳар хил бўлади. Фақат буйруқ берадиганлари, тепса-тебранмас, боқибегамлари, ўлудек инжиқ ва расмиятчилари ҳам бор.

Абдужалил ака "Ёшлик" радиостанцияси бош муҳаррирининг муовини эди. Каттами-кичикми, мансабда у ҳам... Қолаверса таҳририятдаги йиғин-қизлар ичида ёши улдурғи ҳам шу киши. Аммо Абдужалил акани кўрган одам раҳбар демасди. Ўзи студияда эшиттириш ёзиб, ўзи монтаж қилиб, ўзи топшириб юраверарди. Бўлмасаку хадди сиғади: "Фалончи, пистон эшиттиришни топшириб қўй!" деса бўлади. Йўқ, демасди. Бошқалар ҳам, Абдужалил аканинг ўзи ҳам бунга кўникиб қолишганди, шекилли, кўнда эътибор беришмасди. Абдужалил ака бўлса юраверарди. Ҳамиша оддий ва содда, самимий ва

олийжаноб, камтар ва хокисор, меҳрибон ва маслаҳатгўй...

Абдужалил акани таниган, билган кишилар даврасида у кишининг болаларча соддалиги ва паришонхотирлиги ҳақида кўпдан-кўп кулгули гап-сўзлар оғиздан-оғизга ўтиб юради.

Масалан, Абдужалил аканинг энг яқин дўсти Тохир Малик напирётда ишлаб юрган пайти "Ёшлик" радиостанциясига қўнғироқ қилади. Гўшаки Абдужалил ака олади. "Қаёдан телефон қивоссан?" сўрайди у. "Шу ердан, радиодаман, Эркиннинг хонасида", - дейди Тохир ака. Бир маҳал Абдужалил ака "Тохир қани?" деб югуриб чиқади. "Билмадим, кўрмадим" дейман. "Ҳозир қўнғироқ қилди-ку", дейди Абдужалил ака ва хонамаҳона Тохир Маликни қидириб кетади...

Бунақа хантомалар кўп бўлади. Майли, уларни ҳозир қўя турайлик. Фақат шу ўринда яна бир бўлиб ўтган воқеа ёдимга тушди.

Етмишинчи йилларнинг охири Пскентда пахта теримидамиз...

БИРЛАШГАН ЎЗАР...

Жамиятлар, компаниялар ёки....

Жамият тарихига назар ташласак, шундай хулосага келиш мумкин: ёлғиз меҳнат қилиш, савдо-сотиқ билан ёлғиз шуғулланиш ёки бирор маҳсулотни якка ҳолда тайёрлаш анча мушкул. Шунинг учун одамлар бундай фаолият билан кўплашиб ёки гуруҳ-гуруҳ бўлиб шуғулланишни афзал кўрганлар.

Ҳамкорликда ишлаган энг биринчи гуруҳлар Қадимги Римда бўлганлиги тарих китобларида ёзилган. У ерда солиқ ундирувчилар жамоа бўлиб бирлашганлар. Бу ташкилот ўзини "социетес публиканорум" (лотинча) деб номлаган. Италияликлар ҳам жуда иноқ халқ. Бу ерда ўрта асрларда денгиз савдогарларининг ўртоқлик жамиятлари тузилган эди. Ўзи, умуман, жуда кўп мамлакатлардаги савдогарлар уюшиб, ҳамкорликда ишлаганлар. Қадимги Русда эса бирор кемада йўлга чиқишдан олдин ўртада пул тўплаб жамғарма тузиш одат бўлган. Бизнинг Марказий Осиё савдогарлари эса ҳеч ёлғиз йўлга чиқишмаган. Камида 40-50 нафар киши ўзаро дўстлик ва ҳамкорликда карвон тузганлар ва йўл юрганлар. Карвондагиларнинг озик-овқатлари, соқчилари умумий бўлган. Карвондаги ҳар бир савдогар сотиш учун йўлга нима олиши мумкинлигини шериклари билан бамааслаҳат ҳал этган. Бири олган мол турини иккинчиси олмаган. Бироқ дунёда энг машҳур савдогарлар уюшмаси Ганзада пайдо бўлган. Ганзамен "одамлар гуруҳи" бир қанча шаҳарларда савдо қилар эдилар, у ерларда бу гуруҳ аъзоларига маълум имтиёзлар берилар эди.

Ганзалик савдогарлар уюшмасига аста-секин аввал Германиянинг Любек, Кельн, Майнц, Гамбург шаҳарлик савдо аҳли, кейинчалик французлар, сўнг инглизлар ва скандинавияликлар қўшилдилар. Новгород савдогарлари ҳам ушбу халқаро савдо ташкилотига аъзо бўлишган.

Америка билан Ҳиндистонга доимий савдо йўллари очилганидан сўнг Ганза уюшмаси аста-секин ўз мавқеини йўқота борди. Ана шу даврда илк акционерлиги (ҳиссадорлик) жамиятлари пайдо бўла бошлади. 1602 йили Голландияда Ост-Индия савдо компанияси биринчи бўлиб ўз акциясини чиқарди. Бу акциялардан тушган маблағ эвазига Америкага йўлга чиққан савдо кемаси молия билан таъминланди. 1613 йилда эса Англияда ҳам шунақа компания пайдо бўлди. Компания ташкил бўлиши ва у акция чиқариши шу тариқа бошқа мамлакатларга ҳам ёйилди. Барча илк акционерлик жамиятлари у ёки бу томондан денгиз билан боғлиқ эди. Улар сафарга чиқаётган кема ва ундаги юкни, денгизчиларни суғурта



қилар эдилар.

XVIII асрда қуруқликдаги биринчи акционерлик жамиятлари пайдо бўлди. Машҳур иқтисодчи Адам Смит ўз давридаги 55 та дунёга машҳур компанияларни санаб ўтган. Улар фойдали қазилмалар, тўқимачилик ва қанд-шакар ишлаб чиқариш билан шуғулланганлар. Денгиз ортида савдо қиладиган компаниялар эса шу даражада гуллаб-яшнаб кетдиларки, уларда ўн минглаб ходимлар хизмат қиларди. Бу компанияларнинг сармоялари миллионлаб фунт стерлингни ташкил этарди.

Россияда биринчи акционерлик жамиятларини тузишга шох Пётр I ҳаракат қилди. У Голландияга сафари чоғида у ердаги шундай жамиятлардан хабар топганди. Шох бу ҳақда учта фармон берса-да, бу иш амалга ошмади. Савдогарлар шохнинг фармони билан ўз пахмоқ соқолларидан кечса-кечишди, лекин мажбурлаб акционерлик жамиятлари тузиб бўлмади.

Ҳозирги маънодаги масъулияти чекланган илк жамиятлар бундан 100 йил аввал тузилган. 1892 йилда Германияда биринчи бор масъулияти чекланган жамият ҳақида қонун чиқарилган. Аста секин бундай жамиятлар Австрия, Италия, Франция ва бошқа мамлакатларда пайдо бўлди.

Ўтган асрнинг охирига келиб молиявий жиҳатдан бақувват йирик фирмалар бирлашмалари - трестлар ва синдикатлар, концернлар пайдо бўлди. Агар трестлар ва монополиялар ҳаракатини чекловчи, майда ташкилотлар ҳуқуқини ҳимоя қонунлари бўлмаганда эди, дунёдаги минглаб фирма ва хусусий корхоналар ақулага ем бўлган балиқлар ҳолига тушган бўларди.

Шунақа. Дунё кенг. Давлатлар, жамиятлар улкан, бақувват трестлар, компаниялар қатори 2-3 кишидан иборат шерикчилик уюшмаларига ҳам яшаб, ўсиш учун шарт-шароитларни яратиб беради. Қўрқмай, даядил иш бошлайверинг, азиз ёш иқтисодчилар!

БУРАТИНО, СЕН ҲАҚ ЭМАССАН

чунки Она ер - саҳоватли

Сиз Буратино ҳақидаги эртани ўқиган бўлсангиз керак. Ҳеч йўқса у ҳақидаги кинофильми кўргансиз, албатта. Эсингиздами, содда Буратино Мўъжиза водийсига 5 та тилла топгани қадагани? Болакай бу тангалар ўсиб олтин дарахт бўлишига ишонган-да! Бу воқеа оддий қарашда ахмоқона бир ишга ўхшайди. Лекин чуқурроқ ўйлаб қарасангиз, унинг ортида ҳақиқат бор. Ахир она ер шунчалар сахийки, унга санчиб кўйилган оддий таёқча ҳам ўсиб, боғ бўлиб одамни бойитиши аниқ. Бу табарруқ заминга қайси минтақада, қайси мамлакатда бир сўм сарфласангиз, у сизга бу ҳаражатингизни ўн, юз баравар қилиб қайтаради. Аниқроғи, кўпайтириб беради. Бунинг учун фақат Буратинога нисбатан кўпроқ нарсани билиш керак.

Келинг, гани узокроқдан бошлайлик. Агар Дарвин таълимотига ишонадиган бўлсак, маймун мева териб ейиш учун илк бор қўлига таёқ ушлаган даврдан у одамга айлана бошлади. У нима учун бундай қилган эди. Албатта ерни кавлаб унда ўсиб ётган ниманидир олиб емоқчи бўлган! Ёки ўсиб ётган дарахт мевасини қоқишга ҳаракат қилган. Муқаддас китобларда ёзилишича, биринчи одамлар - Одам Ато билан Момо Ҳаво аввал ҳамма нарсга муҳайё жаннатда яшар эдилар. Улар гуноҳлари учун жаннатдан қувғин бўлгач, Одам Ато ерга бугдой экиб тирикчилик қиладди. Ҳа, у меҳнат қиладди. Меҳнат бўлганида ҳам ер билан боғлиқ бўлган меҳнат биринчи одамларни тўйдирарди. Ҳали ҳам шу: одамларнинг тирикчилиги ё у ё бу томондан ер билан меҳнат боғланган! Ибтидоий-жамоа тузум даврида одамлар ерни бирорнинг мулки деб ўйлашмасди. Фақат маълум ҳудудлар аниқ бир қабила ёки одамлар гуруҳига қарашли деб ҳисобланар эди. Бу ҳудудга кириш, у ердаги қушлар, балиқлар, ҳайвонларни овлаш, у ерда ўсаётган ўсимликлардан фойдаланиш "беғона"лар учун маън қилинарди.

Замонлар ўтиб, ер ҳам аниқ бир шохларга тегишли бўлиши мумкинлигини одамлар англашгач, жамият ҳаёти ўзгариб кетди. Қадимги Римни, қулдорлик жамиятини эсланг. Қуллар қулдорнинг ерида ишлаб, уни бойитиши йўлида меҳнат қилардилар.

Шундай бўлса-да, аввал одамлар барибир ернинг қадрини унча баланд кўймасдилар. Буни қўйидаги мисоллардан билса бўлади. Масалан, XVII аср бошларида Америкага кўчиб борган голланд Питер Минциг хўжумлардан бутун бошли Манхэттен оролини 24 долларга сотиб олган. Бу савдода у ҳатто пул ишлатмаган ҳам. У орол ҳақи учун ҳиндуларга ялтироқ газламалар, товланувчи маржонлар берган холос. 1626 йили бу оролга Янги Амстердам форти қурилган. Уша жой ҳозирги Нью-Йорк шаҳрига асос бўлган. Ҳозир Нью-Йоркда 24 долларга сичқоннинг қулогича ерни ҳам бермайдилар.

Қулдорлик тузумидан феодализмга ўтиш ҳам ер билан боғлиқ. Феодализм даврида деҳқон ерни қулга қараганда яхшироқ ишлади. Чунки у хўжайиннинг ери қатори ўз ерига ҳам ишлов бераёт-

ганини яхши анларди. Умуман, одамлар ҳар қандай шароитда ҳам бировга ишлаганидан кўра ўзи учун яхшироқ меҳнат қиладилар. Бу эҳтимол яхшимасдир, лекин бор гап шу. Ўтган асрда олимлар ернинг сифати унинг эгасига боғлиқлик йўқлигини текширишган. Маълум бўлишича, энг қаровсиз ерлар деҳқонлар жамоасига қарашли ерлар экан. Дворянларга қарашли ерларнинг аксарияти эса ташландиқ ҳолатида ётарди. Йирик капиталистларга қарашли ерлар жуда пухта ишланган, унумдор ерлар экан. Кичик хўжаликларга қарашли ерлар эса ниҳоятда эъвозланган, яхши ишлов берилган майдонлар бўлиб чиқди. Бу қонуният қанчалар тўғри эканини исботлаш учун унча кўп мисол шарт эмас. Сиз дўкондаги мева ва сабзавот билан бозордаги мева ва сабзавотларнинг сифатини бир қиёслаб кўрсангиз, шунинг ўзи етарли.

Ердан унумли фойдаланадиган ижтимоий тузум, бу - ишбхасиз, капитализмдир. Бу гапга "капитализмда ер эмас, саноат-завод, фабрикалар муҳим аҳамият касб этади", деб эътироз билдиришингиз мумкин. Ахир завод, фабрикалар осмонга осилиб турмайди-ку! Капитализмда яшаётган йирик шаҳарларда ер шунчалар қимматки, кафтодек ер олтин баҳосида туради. Ер қадрини ҳатто "бойлик душманлари" бўлмиш большевиклар ҳам жуда яхши билишган. 1917 йил Октябрь инқилобининг эртасигаёқ шўро ҳукумати шахсларга қарашли 150 миллион гектар ерни тортиб олиб, давлат ери деб эълон қилди. Шу ўринда тарихдаги яна бир воқеани эслаб ўтиш жоиз: 1867 йилнинг 18 (30) мартида рус императори Александр II Аляска оролини Америка Қўшма Штатларига сотиб юборди. У 7.2 миллион долларга баҳоланди. Рус императори ўзи-ча туپроғида ҳеч нарсга ўсмайдиган, юзини музлик қоплаган бу ҳудуддан ўзича катта фойда кўрдик, деб ўйлади. Бироқ сал кейин маълум бўлишича, Аляска энг тоза олтин конларига бой ҳудуд экан.

Азиз ёш иқтисодчи дўстлар! Юқорида ёзилганлардан тўғри хулоса чиқарасиз, деб ўйлаймиз. Бизнинг мамлакатимиз дунёда энг бебаҳо заминга жойлашган... Ўзбекистон туپроғида таёқ ҳам олтинга айланади. Бунинг учун ерга меҳр кўйиш, уни севиш, парваришлаш ва унга ишониш керак. Ерни эъвозлагани Ер ҳам эъвозлайди. Буни республикамиздаги илғор фермер-деҳқон хўжаликлари исботлаб турибди.




ЭНГ БАЛАНДА ДАРАХТ ҚАЙСИ?

Дарахтлар яшил ўсимликлардир. Уларнинг ҳам бошқа яшил ўсимликлар сингари илдизи, пояси, япроқлари ва уруғлари бўлади. Дарахтлар яшил ўсимликлар ичида энг кўхнасидир. АҚШнинг шимоли-ғарбидаги айрим секвойяларнинг ёши 4000 йилдан ошади. Бу дарахтлар Колумб Американи кашф этган даврларда ҳам худди шу кўринишда бўлган.

Дарахтлар яшил ўсимликлар ичида ҳам энг каттасидир. Маълумки, Калифорниядаги улкан секвойялар Ер юзидаги энг буйчан дарахтлардир. Гумбольдт Миллий боғидаги бир дарахт энг баланд ҳисобланади. У Асосчи Дарахти деб аталади, бўйи эса 110 метрдан ошади.

Айрим йирик мутахассислар кўп йиллар аввал Австралиядаги эвкалипт дарахти ҳам Калифорния секвойялари сингари ба-



ланд дарахт бўлганини таъкидлашади, аммо улар айна пайтда секвойялардан ўртача 15 метр калтадир. Яна бир секвойя билан бўйлашадиган дарахт Дуглас оққарағайдир. Улар аксариятининг бўйи 91 метрдан ошади.

Илдизлар тупроқдан сув ва минерал моддалар ютиши билан бирга дарахтларни ҳам тик ҳолда тутиб туради. Катта дарахтни тутиб туриш учун кучли илдиз тизими керак бўлади. Сиз дарахтнинг илдизлари ҳам ер остида шохларичалик

жой эгаллашини биласизми?

Олимлар дарахтларнинг ёшини улар танасидаги халқалар сони билан ўлчашни ўрганиб олишди. Кўпгина дарахт турлари кўндаланг кесилганда, уларда халқалар борлигини кўриш мумкин. Ҳар йили пўстлоқ остидаги ёғоч қатлами устида янгиси пайдо бўлаверади. Бу қатлам халқа ҳосил қилади.

Дарахт танасидаги ҳар бир халқа унинг ёшидан далолат беради. Янги қатлам ёки халқа қўшилгани сари тана йўғонлашиб бораверади.

Дарахтларнинг нафақат танасига, қолаверса, шохларига ҳам янгидан янги халқалар қўшилиб бораверади. Шохлар ҳар йили бўйига ўсади. Фақат шохларнинг учи юқорига қараб ўсгани учун ҳам дарахтнинг танаси ҳеч қачон ердан баланд кўтарилмайди.

“ЧУМОЛИЛАР МАДАНИЯТИ” БОР НАРСАМИ?

Инсон ва чумоли ўртасида қандай умумийлик бўлиши мумкин? Бундай қарасангиз, ҳеч қандай. Инсон - “гомо сапиенс”, яъни ақлли мавжудот. Чумолилар ақли ҳақида ҳатто бошланғич ҳолида гапирмаса бўлади. Ҳарқалай, бизнинг тасаввуримизда. Ўлчамлар орасидаги фарқи? Биз чумолиларни беҳосдан босиб кетишимиз мумкин. Барибир, чумолилар ҳаётини диққат билан ўрганиш инсоннинг ижтимоий ҳаёти билан бу ҳашаротлар ўртасида тонг қолдирарли ўхшашлик бор, деган фикрга олиб келади.

Чумолилар дунёга келгандан то ўлимига қадар ўзаро ижтимоий муносабатлар системасида яшайди, ҳар бири ўз вазифасини жуда яхши биледи ва бажаради. Нима, бу маданият эмасми?

Эндигина туғилган чумолиларни махсус питомниклар - “боғчалар”да парваришланади. Улар малакали “тарбиячилар” кўз остида бўлади ва улар мунтазам равишда кичкинтойларни чумолихонадан олиб чиқиб, тоза ҳавога айлантириб келади.

Бемор чумолиларга ўз касбининг усталари бўлган “докторлар” қарайди. Улар ҳар куни тиббий кўрикдан ўтказадилар ва зарур ҳолларда беморларни ажратиб қўядилар ҳатто жарроҳлик операциялари ўтказадилар, масалан, лат еган оёқларини кесиб ташлайдилар.


Жанубий Америкада “фермер” чумолилар

яшайди. Улар тупроқ ташиб келиб, дарахтлар пойидаги ковакларни тўлдирадилар ва бу “майдонларга” турли экинлар уруғини экадилар. Чумолиларнинг айрим турлари ўз уялари атрофига экин экишади. Ҳосилни йиғиштириб олишда чумолилар жамоасининг ҳар бир аъзоси иштирок этади. Уруғни овқат ўрнида, хашақдан қурилиш материали сифатида фойдаланадилар.

Марказий Америкада яшайдиган ўроқчи чумолилар ўз уяларидан то ғарамларгача росмана йўл қурадилар. Бундай йўлларнинг узунлиги 1.5 километрга етиши мумкин. Мабодо, бу йўл ёпилиб қолса, чумоли-бинокорлар ишни тўхтатиб, кутиб туришади. Бир қанча вақтдан сўнг бу ерга “полициячи” чумолилар етиб келади ва тартиб ўрнатади. Чумоли уясига бу сигнал қандай етиб келади, бу бизга қоронғи. Телепатия бўлса ажаб эмас.

Чумолиларнинг бу оламдан нариги оламга кетиши ҳам инсонлар ўтказадиган маросимларига ўхшайди. “Тахтакашлар” мархум чумолини уяларидан четда жойлашган қабристонга кўтариб борадилар, “гўрковлар” эса жасадни 2-2.5 сантиметр чуқурликдаги лаҳадга қўядилар.

Ҳўш, чумолиларнинг бу қадар мураккаб ва кўп қиррали ҳаётини ақлдан ўзга нима бошқариши мумкин? Олимларнинг тасдиқлашича, чумолиларда бу туғма инстинкт жуда тараққий этган.



ДУНЁДАГИ ЭНГ КАТТА БАЛИҚ ҚАЙСИ?

Мавжуд ва қачонлардир яшаган ҳайвонларга таққосланганда одам нисбатан улкан эмас. Келинлар, энди сайёрамиздаги энг катта ҳайвонлар ҳақида гаплашамиз.

Кит акуласи ва гигант акула катталиги бўйича кўк китдан кейин турадиган тирик махлуқлардир. Улар балиқлар синфининг инсонга маълум бўлган энг йирик вакиллари, уларнинг бўйи 15 метрдан 18 метргача етади!



Баъзи одамлар акулаларнинг ҳаммаси одамхўр, деб ҳисоблайдилар ҳамда кит акуласининг катталигидан келиб чиқиб, одамни тириклик ютиб юборади, дея ҳаёл қилдилар. Агар акула шундай қилишни хоҳлаганда ҳам бу унинг қўлидан келмасди. Унинг тишлари кичкина, узунлиги 3 миллиметр атрофида, томоғи диаметри эса бор-йўғи ўн сантиметрдир. Шундан кўришиб турибдики, бу улкан наҳанг океандаги энг кичик ҳайвонлар, масалан, сардина ҳамда майда бошоёқли моллюскалар билан озиқланади.

Чучук сувда яшайдиган балиқлар орасида Жанубий Америкада яшайдиган арапайма ёки пирарука ҳисобланади. Оғирлиги 200 килограммга етадиган бу балиқнинг бўйи тўрт метрга етади. Бакрабалиқларнинг кўп вақтини чучук сувда ўтказишини эътиборга олиб, уни чучук сувда яшовчилар турига қўшсак, чучук сувда яшайдиган балиқларнинг энг каттаси у саналади. Бакрабалиқларнинг бўйи 8 метр ва оғирлиги 1460 килограмм келадиганлари овланган.

Энг майда балиқ қайси? Узунлиги 6 миллиметрдан ошмайдиган, Филиппин ороллари атрофида яшайдиган пандака пигмеядир! Бу балиқ умуртқалиларнинг энг кичиги бўлса ажаб эмас.

ЭЛЕКТРЛИ ИЛОНБАЛИҚ НИМА?

Электрли илонбалиқ электрли балиқлар гуруҳига киради. Улар электр разрядлари ёрдамида ўлжа тутати ва душманларидан ҳимояланади. Улар ҳам бошқа балиқларга ўхшаш ва авлоддошдир, аммо улардан фарқли ўлароқ, электр энергиясига эга. Бунинг қандай ҳосил бўлганини олимлар ҳозирга қадар аниқлаган эмас.

Улар орасида энг хавфлиси Жанубий Америкада яшайдиган Бразилия электрли илонбалиғидир. Бу махлуқлар йўғон, қора танли бўлиб, Ориноко ва Амазонкага қуйиладиган дарёларда ҳаёт кечиради. Уларнинг бўйи, кўпинча икки метр келади, электрли аъзолари жойлашган думи билан



зарба берганда отдай йирик жониворларни ҳам шок ҳолатига сола олади! Айтишларича, одамни бир неча соат ҳушсиз қилиб ташлар экан.

Электроскат деб номланган яна бир электрли балиқнинг бўйи бир ярим метр атрофидадир. У тропик Африканинг ҳамма йирик дарёларида яшайди.

Электрли балиқларнинг учинчиси сув ости снаряди-

симон скатдир, уни тропик дегизларнинг барчасида учратиш мумкин. Улар, асосан, соҳиллар яқинидаги чуқурликларда яшайди. Бу гуруҳнинг бўйи бир ярим метр келадиган, оғирлиги 90 килограмм тош босадиган яна бир тури Атлантика океанида ҳаёт кечиради.

Электроскатнинг елкаси қора, қорин қисми оқдир. У думалоқ ва ясси бўлиб, кучли думга эга. Унинг электрли аъзолари бош ва ойкулоғи ўртасида жойлашган. Мана шу балиқлар устида олиб борилган тадқиқотлар кўрсатишича, у ўз электр энергиясини сарфлаб бўлгандан кейин уни тиклаш учун яна овқатланиши ва дам олиши тақозо этилар экан.

СИНФДОШЛАР! "СИНФДОШ"ДА "ЁШ ИҚТИСОДЧИЛАР" КОНКУРСИ ДАВОМ ЭТМОҚДА!

**Биз — Ватан фарзандлари,
Президент болалари!
Буюк келажакни биз қурамыз!**



А.Асосий тушунчалар

Куйида рақамлар билан иқтисодий атамалар, ҳарфлар билан эса уларнинг талқинлари белгиланган. Қайси талқин қайси атамага мос келишини аниқлаб, жавоблар жадвалини тўлдиринг.

1. Солиқлар
 2. Давлат бюджети
 3. Инфляция
 4. Фискал сиёсат
 5. Монополия
 6. Ишсизлик даражаси
 7. Ялпи миллий маҳсулот
 8. Импорт
 9. Экспорт
 10. Валюта курси.
- а) Муомалада керагидан ортиқ пул пайдо бўлиб, нарх-наво ўсиб, харид қобилиятининг пасайиши;
- б) Мамлакат иқтисодиётидаги давлатнинг солиқ солиш тартибига ва харид қилиш баҳоларига таъсир қилиш билан боғлиқ чўра-тадбирлари;
- в) Фирма ташкилотлар ва аҳолидан давлат томонидан ундирилаётган мажбурий тўловлар;
- г) Жами ишсизлар сонининг иқтисодий фаол аҳоли сонига нисбатан фоиз даражаси;
- д) Ишлаб чиқарувчининг бирон-бир соҳада та-нҳо ҳукмронлиги;
- е) Умумжамият миқёсида марказлашган ва давлат-иштирокида ҳосил қилинувчи ва сарфланувчи молиявий ресурслар;
- ж) Бошқа давлатлардан мамлакат ички бозорида сотиш учун олиб келинган товар ва хизматлар;
- з) Бир мамлакат пул бирлигининг бошқа мамлакат пул бирлигида ифодаланган нархи;
- и) Бир йил давомида мамлакат ҳудудида ишлаб чиқарилган барча истеъмолга тайёр, тугал кўри-нишдаги товарлар ва хизматларнинг бозор нарх-ларидаги баҳоси.
- к) Товар ва хизматларни ташқи бозорда бошқа давлатларга сотиш.

А та ма										
но м е р и	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
Т а л қ и н										
ҳ а р ф и										

В. Тест саволлари

- Куйидаги келтирилган тест жавобларини топиб, жавоблар жадвалини тўлдиринг**
1. Охириги 40 йил ичида қайси давлат энг юқори иқтисодий ўсишга эришди?
- а) Буюк Британия
 - б) Италия
 - в) Япония
 - г) Германия
 - д) АҚШ
2. Ривожланган мамлакатлардаги иқтисодий ўсишнинг асосий сабаби:
- а) Иш вақти ҳажмининг ўсиши;
 - б) Ишлаб чиқаришдаги технологик ўзгаришлар;
 - в) Сарфланаётган сармоя ҳажмининг кўпайиб бориши;
 - г) Иқтисодий ўсишни таъминловчи пул-кредит ва солиқ сиёсатининг олиб борилиши;
 - д) Ишчилар малакасининг ошиб бориши.
3. Йил давомида даромадлар 8 фоизга, нарх-

Эслатиб ўтамиз, конкурс лойиҳаси муаллифлари фан номзодлари Э.Сариков ва Б.Ҳайдаровлар бўлиб, у Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими ва зирлигининг Республика таълим маркази, Республика иқтисодчи ёшларни қўллаб-қувватлаш "Улуғбек" жамғармаси ва "Синфдош" журнали билан бирга ҳамкорликда ўтказилмоқда.

Конкурс - сиртқи, уч турдан иборат бўлиб, топшириқларга жавоблар 1999 йил 20 октябрга қадар қабул қилинади. Ҳар бир топшириқ уч бўлимдан иборат бўлиб, биринчи бўлимда иқтисо-

диёт бўйича назарий билимларингизни синаб кўришингиз мумкин. Иккинчи бўлим топшириқлари тест синовида иборатдир. Учинчи бўлимда амалий мазмунга эга бўлган бир нечта иқтисодий масалалар таклиф қилинган.

Конкурс ғолибларини ҳомийларнинг қимматбаҳо совғалари - **телевизор, стереомагнитофон ва 5 та аудио-плеерлар** кутмоқда.

Конкурсни якунлашга жуда кам вақт қолди. Ўз билимларингизни синаб кўринг!

III ТУР ТОПШИРИҚЛАРИ

лар эса 10 фоизга ошди. Реал даромад:

- а) 2 фоизга ошди;
 - б) 18 фоизга ошди;
 - в) 2 фоизга камайди;
 - г) 18 фоизга камайди;
 - д) ўзгармади.
4. Мамлакат пул бирлигининг хорижий валюта-ларга нисбатан курси тушса, бу мамлакатда:
- а) Экспорт ва импорт ошади;
 - б) Экспорт ошади, импорт камайди;
 - в) Экспорт ва импорт камайди;
 - г) Экспорт камайди, импорт ошади;
 - д) Экспорт ва импортга таъсири бўлмади.

5. А мамлакатда бир бирлик ресурс ишлатилиб, 1 т буғдой ёки 4 т кўмир ишлаб чиқарилади. В мамлакатда эса бир бирлик ресурс ишлатилиб 2 т буғдой ёки 5 т кўмир ишлаб чиқарилади. Бундай ҳолатда:

- а) А мамлакат буғдойни экспорт, кўмирни импорт қилади;
- б) В мамлакат буғдойни экспорт, кўмирни импорт қилади;
- в) А мамлакат буғдойни экспорт ҳам, импорт ҳам қилмайди;
- г) В мамлакат кўмирни экспорт ҳам, импорт ҳам қилмайди;
- д) тўғри жавоб йўқ.

6. Агар бир немис маркасининг доллардаги қиймати 50 сентдан 45 сентга тушган бўлса, Германияда сотилаётган нархи 150 марка магнитофоннинг доллардаги баҳоси:

- а) 10 долларга пасаяди;
- б) 7.5 долларга пасаяди;
- в) 5 долларга пасаяди;
- г) 7.5 долларга ошади;
- д) тўғри жавоб йўқ.

7. Швейцария франкининг АҚШ долларига алмаштириш курси 1 долларга 4 франкдан 3 франкка ўзгарди. Бу ҳолатда франк қиймати:

- а) 25 сентдан 33 сентга кўтарилди, доллар курси эса франкка нисбатан кўтарилди;
- б) 33 сентдан 25 сентга тушди, доллар франкка нисбатан қадрсизланди;
- в) 25 сентдан 33 сентга кўтарилди, долларнинг франкка нисбатан қадри ошди;
- г) 25 сентдан 33 сентга кўтарилди, доллар франкка нисбатан қадрсизланди;
- д) 33 сентдан 25 сентга тушди, доллар курси франкка нисбатан ошди.

8. Агар давлат ходимларининг меҳнатини рағ-

батлантириш мақсадида пулларни сунъий кўпайтириб, уларнинг иш ҳақини оширса, нима рўй беради?

- а) Ходимлар яхши ишлайдиган ва яшайдиган бўлади;
 - б) Ҳеч нарса рўй бермайди;
 - в) Иш ҳақининг ошишига бозор, нархларнинг кўтарилиши билан жавоб беради;
 - г) Давлат ходимларининг сони ортади.
9. Яшаш даражасини ифодаловчи энг яхши кўрсаткични танланг:
- а) аҳолининг пул даромади;
 - б) аҳоли жон бошига реал даромад;
 - в) ишсизлар даражаси;
 - г) инфляция суръатлари.

10. Ўзбекистон ўз пахтасини Латвия ёғочига айирбошлаб сотганда:

- а) иккала томон ҳам ютади;
- б) иккала томон ҳам бундан ютқзади;
- в) Ўзбекистон ютади, Латвия эса ютқзади;
- г) Ўзбекистон ютқзади, Латвия ютади.

А та ма										
но м е р и	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
Т а л қ и н										
ҳ а р ф и										

С.Масалалар

1. Мамлакат аҳолиси ёппасига иш билан таъминланганда ялпи миллий маҳсулот ҳажми 20 млрд. долларни ташкил қилиши мумкин. 1998 йил бу мамлакатдаги ялпи миллий маҳсулот ҳажми 16 млрд. долларни ташкил қилди. Солиқлар эса 10 фоизни ташкил қилиб, давлат харажатлари 18 млрд. долларга етди.

а) Бу мамлакатда 1998 йил давлат бюджети тақчиллиги қанчани ташкил қилган?

б) Агар аҳоли тўла иш билан таъминланганда эди, давлат бюджетиде қандай ўзгариш содир бўлар эди?

3. Монополист товарига бўлган талаб $q=12-p$ кўринишдаги функция билан, уни ишлаб чиқаришга сарфланган харажат эса $C=6-6q+q^2$ функция билан ифодаланади. Монополист ўз товарини қандай нархда сотганда энг катта фойдага эришади? Бу фойда миқдорини аниқланг.

4. "Daewoo" телевизорларига бўлган талаб миқдори $q=100-p$, таклиф миқдори эса $q=2p-50$ донани ташкил қилади, p - телевизор нархи минг сўмларда. Агар сотувга телевизор нархининг 10 фоизи миқдорида солиқ солинса, телевизор бозорида қандай ўзгаришлар содир бўлади?

5. Мамлакатда кейинги 5 йил ичида нархлар 10 баробар ошди. Бу мамлакатдаги ўртача йиллик инфляция қанчани ташкил қилган?

МАКТУБЛАРИНГИЗНИ КУЙИДАГИ МАНЗИЛГА ЮБОРИШИНГИЗ

700029. Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 2-уй, 402-хона

Мулоқот учун телефон:
139-49-32, 139-19-16. Факс: (371) 139-48-23.

Таффига
иккита
қиёфадоши йўқ
балиқларни
топишда ёрдам
беринг.




Том ва Жерри
қайси саройда
дам олишини
аниқлаб
беринг.




Томга
иккита
эгизакларни
топишда
ёрдам
беринг.




Жерри
идишидаги
қиём қайси
мевалардан
тайёрланган?



Том Жерри
ва Таффига
бир хил
шақилдоқ
совға
қилмоқчи.
Унга ёрдам
беринг.



Маррага ким
биринчи етиб
келади?



-Меҳрихон қанилар? - сўради Мақсуддан Умриниса хола.

Боғдан овозлари келаяпти-ку,- жавоб берди Мақсуд.

- Нон ёнаман, қарашворасиз, дегандилар. Ўшанга чиқаётгандим.

-Улар Меҳрихонни бир зумгина кутишди. Аммо ундан дарак бўлмагач, Умриниса хола бошидаги оқ рўмолини яшириб, айвондаги қозикда турган кўк дастурхонни ёпиниб олдида, боққа томон юра бошлади.

- Қани Мақсуджон, юрчи ўғлим.

Мақсуднинг юраги гуп-гуп ура бошлади. Улар боққа кириб кетишди. Қаҳҳор эса айвонда ёмғирнинг ёғишини тамоша қилиб қолди. Улар қайси кўз билан кўришсинки, сувхон ўрикнинг тагида Меҳрихон чалқанчасига, юзлари қорайиб, ётибди. Унинг аъзойи бадани худди тошқўмирнинг ўзи. Умриниса хола "Вой дод! Меҳринисо, сизга нима бўлди?" деди-да ўзини унинг устига ташлади. Меҳрихоннинг элагиди гўралар ерга сочилиб кетибди. Кийим бошлари шалаббо, хўл. Яна момоқалдироқ гумбураб чақди. Унинг қорайиб кетган юзи бир зум оқарди. У қимир этмасди.

- Опа, опагон! Туринг ўрнишиздан! Сизга нима бўлди?- деди Мақсуд ва йиғлай бошлади.

- Шўримиз қуриб, Меҳрихондан ажралиб қолибмиз ўғлим, вой дод. Бу қандай кўргулик? - деди Умриниса хола.

Меҳрихонни эртасига Боғибаланд қабристонига дафн этишди. Қосим амакининг боғи кўчиб кетган жойга ўхшаб қолди. Ўлик чиққан жойнинг совуқ,

чўккалаб, гоҳ чордана қуриб алланималар ўқир, белбоғини ечиб кўз ёшларини артар ва ноилож ўрнидан туриб, жойига келиб ётар эди. Буни фақат Мақсуддан бошқа киши кўрмас, билмас эди.

Уй -аёл киши билан файзли, баракали бўлади. Қосим амаки сираям йиғламасди. Энди уйга кирсаям, эшикка чиқсаям

Маҳмуд ИБРОҲИМОВ

МЕРОС

кўрқинчли бўлиб

қолишини энди

к ў р и ш и .

Меҳрихоннинг

кичик, кейинчалик катта қирқи

ўтди. Қосим амаки жонини

кўярга жой тополмас эди.

Тунлари мижжа қоқмай юриб

чиқар, икки куннинг бирида

эшагига миниб, Мақсудни

етақлаб қабристонга бориб, у

ерда ўтириб, қурьон тиловат

қилиб келар эди. Баъзан

Меҳрихоннинг жони узилган

сувхон ўрик тагида соатлаб, гоҳ

худди беҳуш

одамдек йиғлар,

қилар ишини

билмасди. Чунки

Меҳрихонни еру-кўкка

ишонмас, уни жонидан ҳам

ортиқ севар эди-да. Ахир,

шундай олижаноб, камтар,

хушмуомалали, пазанда

инсондан ажралиб қолиш

Қосим амаки учун ҳам,

Мақсуд учун ҳам жуда оғир

эди.

Мақсуд онасининг

вафотини, ҳатто унинг турқи-

таровати қандайлигини ҳам

билмайди. Аммо Меҳрихон

худди унинг онасидек бўлиб

қолган эди. Айниқса, унинг

яқингинада "Мақсуджон, сизга

ўхшаган чиройли укача бўлса

ўйнатармидингиз?" - деган

сўзлари Мақсудни опасини

эслаганда ҳар доим кўнглидан

ўтади.

-Бечора, дунёдан бефарзанд

ўтди. Дунёга келиб у нима

кўрди. Мен унга катта-катта

едириб, ичириб,

кийдиролмадим. Нима топсам

шукроналар айтиб, сабр-

қаноат билан баҳам кўрдим.

Тоза қалб эгаси эди у, -дея

Қосим амаки йиғлар эди,

пана-панада.

Аммо Меҳрихонни энди

топиб бўлмаслигини Қосим

амаки ҳам, Мақсуд ҳам яхши

билар, шунинг учун ҳам улар

ич-ичларидан куйишар,

эзилишар эди.

ХАЙР, ШУРАҚУРТОҲ

Қора гилос пишиб, эрта

пишар оқ ўриклар бўзариб

қолди. Бугун тонг палласида

Қосим амаки билан Мақсуд

чой ичиб ўтиришганди,

Ханифа хола кириб қолди. У

Қосим амакининг синглиси кўтарма маҳалласида яшайди. Бу ердан унча узоқда эмас, қўшни маҳалла. Ўғил-қизлари бор. Эри фронтда. Хат олиб туради. У бошидаги тугунини супага қўйиб, сўрашди-да, ўтирди.

-Кетаяпман денг?,- деди Ханифа хола, бир пиёла чойни Қосим амакидан олиб бир хўшлар экан, акасига.

-Ҳа, зора ўшағларда бироз юриб, Меҳрихонни хаёлимдан чиқарсам. Лекин сира чидаб туrolмаяпман. Ўрганиб қолган эканман. Билмайман, хотини, эри ўлганларнинг ҳаммаси ҳам менга ўхшаб азоб чекармикан ёки мен шундай бўляпманми, сира ақлим етмаяпти. Лекин ким аввал, ким кейин, буни яратганнинг ўзи билади.

-Шундай-куя...

Қосим амакининг тамоғига бир нима тикилгандай бўлди, бошқа ҳеч нарса деёлмай қолди. Ханифа хола Мақсудга.

-Нонуштангни қилиб бўлсанг, кир ўчоққа ўт қалаб қўйгина, болам. Кийим-кечакларингни ювиб берай.

-Хўп, холажон,- дея жавоб берди Мақсуд.

Мақсуд дастурхонга фотиҳа ўқиб, ўрнидан туриб кетди. Ханифа хола қора сатиндан кўйлак кийиб, кўк рўмолини бошига танғиб ўраб олган эди. Калиш-маҳсили эди. У шу куни кечгача кир ювди. Мақсуд гилосга чиқиб бир сабат терди. Қосим амаки бири катта, иккинчиси кичик пақирларга солиб, оғзини белбоғ билан маҳкам қилиб боғлади.

-Биттасини сен, биттасини мен кўтараман.

-Бозорга борамизми,- деди Мақсуд.

-Сотиб пулига бир ёқларга бориб ўйнаб келамиз.

Қаерга боришларини Мақсуд билмасдиям, кейин у сўраганиям йўқ. Кечга яқин қуриган кийимларини тахлаб берган Ханифа хола кийимларнинг айримларини йиртиқ жойларни тикиб-ямаб қўйди. Мақсуднинг ботинкаси тош кесакка тегавериб оқариб кетган эди. Бир дона пиёзни икки бўлиб, қозоннинг қорасига суртиб, унинг ботинкасини қорайтириб берди.

Қосим амаки билан Ханифа хола бир маҳалгача суҳбатлашиб ўтириб, сўнг ухлашди. Чунки эрталаб Қосим амаки билан Мақсуд узоқ йўлга чиқишлари керак-да...

№ дан № га



Хурматли "Тонг юлдузи" ходимлари!

Газетангизда босилган "Мерос" номли қиссани ўқиб тўлқинланиб кетдим. Чунки қиссадаги воқеа асосан бизнинг тумандаги қишлоқда, аниқроқ қилиб айтганда мен яшайдиган жамоа ҳўжалигидаги "Бирлашган" маҳалласида бўлиб ўтган экан. Буни бувам Абдурайим Раҳимов айтиб берди. Мен қиссани бобомга ўқиб берган эдим: "Э, набирам!... Бу қиссадаги бош қаҳрамон Мақсуднинг ўртоғи Абдурайим мен бўламан" - деди. Бобом Мақсуд билан бўлган кўпгина воқеаларни ҳикоя қилиб

ТАЗЕМАТА АЛБАТТА ЁЗИЛМИЗ

бердилар.

Хуллас, қисса бизга жуда ёқди. Уни мактабимиздаги барча болалар ўқиб чиқдилар. Тўғри, мактабимиздаги барча болалар газетага ёзилган эмасдилар. Шулар жумласидан мен ҳам. Газетани синфдошимиз Авазбекдан олиб ўқидик. Бу газетага ёзилмаганимдан жуда афсусландим. Бу йил синфимиздаги кўпгина ўқувчилар албатта "Тонг юлдузи"га ёзилишни

олдиларига ният қилиб қўйдилар.

Хурматли таҳририят аъзолари! Биз сизларни ўз қишлоғимизга таклиф этамиз. Бир пиёла чой устида суҳбатлашиб, бизнинг қишлоқ болалари ҳаёти билан танишсангиз. Бизда ҳам республика болаларига ибрат бўларли қизиқ-қизиқ воқеалар, ибратли ишлар жуда кўп.

Элёр ҚИРҒИЗОВ, Наманган вилояти, Турақўрғон туманидаги Бобур номли 9-ўрта мактабнинг 7-синф ўқувчиси.

Маугли ҳайвонлар орасида ўсган, уларнинг тилини ўрганган, улар билан бирга яхши- ёмон кунларни ўтказган ва охири инсонларга қайтган одам. Лекин бу эртак. Ёзувчи фантазияси.

Афсуски ҳаётда бўлган бундай ноёб ҳодисаларнинг охири бошқача бўлган.

дастлаб ҳақиқий бўрининг боласидай ўзини тутди: тўртоёқлаб югурар, одамлардан қўрқар, кечалари бўридай увиллар, кундузи асосан ухлар эди. Фақат олти йилдан кейин икки оёқлаб юришни ўрганди. Шунда ҳам югуриш керак бўлса,

қанча тарбиявий ишлар олиб борилмасин, унинг натижаси бўлмайди. Улар одамлар, каби гапиришни, юришни ўрганишлари мумкин, лекин ақлий жиҳатдан жуда суст ривожланадилар. Кейин бу болаларни тарбиялаш жуда оғир кечади. Кўпинча улар 4-5 йилдан сўнг ўладилар.

МАУТЛИ ЖИЗТ МАҚДУРДОШЛАРИ

1920 йил ҳинд қишлоқларининг бирида рўй берган ғаройиб ҳодисани махсус адабиётларда кўп келтиришади. Қишлоқ одамлари вақти-вақти билан жунгли тарафдан одамсифат, лекин тўрт оёқда ҳаракат қилувчи сирли икки жонзотлар чиқиб келишини сезиб қоладилар. Ҳинд психолог олими Рид Сингга овчилар ёрдамида ғайритабиий тўртоёқлиларнинг изига тушди. Бу мавжудотлар тахминан икки ва саккиз ёшли бўрилар оиласида, бўри болалари билан бир қаторда яшовчи қизалоқлар экан. Р.Синг уларни тарбиялаш учун ўзи билан олиб кетади. Қизларнинг қичкинтойи тез орада ўлади, каттаси Камила деб исм қўйилган қизча 17 ёшгача яшайди. Камила


тўртоёқлаб югурарди. Етти йилдан сўнг одамлар орасида фақатгина 45 та сўзни ўрганди. Кейинчалик сўз лугати сал кўпайди. Камила 17 ёшида ақлий ривожланишига кўра 4 ёшли қизга тенглашар тенглашмасди.

Бир неча йил илгари италян этологлари Африкада ишлаётганларида кийиклар орасида бир болакайни кўриб қолишди. У ўзининг "ака- ука"лари билан тўртоёқда туриб, ўт-ўланни тишлари билан юлиб- юлиб ерди.

Психологлар булар ноёб ҳодисаларни ўрганиб чиқади ва шундай хулосага келади. Ҳайвонлар орасида ўсган болаларни инсонийлаштириш мумкин эмас. Айниқса бу болалар 10 ёшдан ошган бўлса. Бундай болалар устида

Қолаверса, ёввойи ҳайвонлар муҳитига тушган, уларнинг қонун-қоидаларини ўзига олган, онги ёввойиларнинг тарбияси билан шаклланган, болалар ҳеч қачон ўз хоҳишлари билан одамлар орасига қайтмайдилар.


Шаҳноза ҲАЙДАРОВА.



ЭСКИДАН ЯНГИ

Либослар фасони тез-тез янгиланиб туради. Ўтган йил харид қилган костюм бу кунги модага унча мос келмай қолгандек бўлади. Ўзи ҳали ян-янги, киймай ташлаб қўйишга ачинасан, лекин янгиликдан орқада қолгинг ҳам келмайди. Шундай дамда бунинг чорасини топинг, яъни қайтарма ёқали кофтангизнинг тик ёқасини қолдириб, уст қисмини сўкиб ташланг. Кофта рангига мос лентани расмда кўрсатилганидек, сербурма қилиб олинг-да, тик ёқа орасига ўтқазиб тикиб чиқинг.

Енг манжети ва чўнтак кирғоғига ҳам бурмали лентадан тикиб чиқинг. Кўрибсизки, айна урф бўлган кофтага айланади-қолди.



Иккинчи нусхадаги кофта эркаклар кўйлагидан қилинган. Ёқаси ва енг манжетлари олиб ташланган эркакча кўйлакка уқа тутиб безатасиз. Ёқа ўрнига қўйилган уқанинг бўйин қисмига кўйлақдан қийиб олинган бўлақдан тизимча тикиб чиқинг. Учيني лентасимон боғлаб қўйсангиз жуда чиройли кўринали.

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚҰМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ,
«СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН»
ХАЛҚАРО ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИ

Бош муҳаррир: Умида АБДУАЗИМОВА

ТАҲРИР ХАЙЪАТИ:

Йўлдош САИДЖОНОВ, Омон МАТ-
ЖОН, Гулнора ЙЎЛДОШЕВА, Хотам АБДУ-
РАИМОВ, Далахон ЁҚУБОВ, Мукаррама
МУРОДОВА, Мирзаўлат ТОШПҮЛАТОВ,
Музаффар ПИРМАТОВ, Баҳодир ТОҒАЕВ,
Равшан ҚАМБАРОВ, Феруза ОДИЛОВА

ИВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди. Оффсет усулида босилди. Ҳажми 1 босма табоқ Буюртма — **К-73-61**. 43.351 нусхада босилди. Қоғоз битими — **А-3**.
Саҳифаловчи: **Абдуҳамид АБДУҒАФФОРОВ**

Рўйхатдан ўтин тартиби № 000137
Манзил: 700129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30 уй.
Нашр кўрсаткичи: № 64563
Телефон: 144-62-34

Билагон болалар диққатига!

Сиз «Тонг юлдузи» газетаси саҳифаларида учрайдиган хатоларни албатта топиб, бизга ёзиб юборинг. Чунки атайин билагон ва топагонлигингизни синаш мақсадида ҳарфлар тушириб қолдирилади ёки қўшиб қўйилади. Тиниш белгилари ўз ўрнида ишлатилмайди...

Мақсадимиз: Билимли бўлинг. Чунки осмонни юлдузлар, ерни эса сезгир ва зукко билимлилар безар!

Сизнинг «Тонг юлдузи» нгиз.

Ёш мухбирга эслатма

Сен ўқишда, меҳнатда, интизомда ва жамоат ишида бошқа ўқувчиларга ўрнак бўлишинг керак.

Газетага мактаб ва синфингдаги яхши ишларни, қизиқ воқеаларни, турли тўғарақларда ҳунар ўрганаётган ўртоқларинг тўғрисида, далаларда, чорва фермаларида ота-оналарига кўмаклашаётган тенгдошларинг ҳақида, ёш табиатшунослар, ўлкасевар саёҳатчилар, жонқуяр етакчилар, соғ юрак - тоғ юрак эканини англаб спорт билан жиддий шуғулланаётган тенгдошларинг ва уларнинг ишлари ҳақида ёзиб юбор.

Сен ва ўртоқларинг нималар ҳақида тортишасизлар, баҳслашасизлар, бўш вақтларни қандай ўтказасизлар - шулар ҳақида ҳам ёз.

Газетамизда чиққан мақолаларни синфдошларинг билан муҳокама қил. Улар ҳақида фикрингни, болаларнинг фикрини ёзиб юбор.

Бир мақолада ҳамма нарсалар ҳақида ёзма. Яхшиси, бир фактни олиб уни мукамал ёритишга ҳаракат қил.

Камчиликлардан қўз юмма. Улар ҳақида дарҳол хабар қил. Лекин ёзишдан аввал унинг тўғрилигини текшир.

Ўз деворий газетангнинг актив мухбири бўл.

Бизга хабар ёзганда сиёҳ билан равшан ва пухта ёз.

Хат ёзганда қайси мактабда, нечанчи синфда ўқишингни, сен аъзо бўлган тўғарақ номини, исм-фамилиянгни тўла кўрсат.

Биз севган ижодкор

Наримон ОРИФЖОНОВ

КАМАЛАК

- Камалакжон, камалак,
Айт, сенга нима керак?
Осмон бағрин тиласан,
Кимларни қидирасан?

Етти рангда товланиб
Офтоб мисоли ёниб
Жимирлатиб кўзимни,
Излайсанми ўзимни?

Йўқ, ўртоқжон сенимас,
Сабр қилиб тур бир пас
Ҳар томонга чопай тез
Булутовойни топай тез.

Тарқатсам-чи парчалаб,
Сув сочилар анчалаб
Шунда яшнар дала боғ,
Энди билдингми ўртоқ?

- Ҳа тушундим, чопақол,
Булутовойни топақол,
Ёмғиржон ёға қолсин
Экинлар баҳра олсин!

КИЯТОВ ДЕЙДИ

Танишайлик, мен - китоб,
Асл билимларга кон.
Бойлик берай беҳисоб,
Бўлсанг агар қадрдон.

Лекин йиртиб, бурдалаб,
Камайтирма варағим.
Сендан яна бир талаб:
Ифлос қилма ҳар ёғим.
Сиёҳ тўкиб ранг-баранг
Муқовамни бўяма.

Тоza тутмоқ истасанг,
Ўрашга вақт аяма.

Ёмғирда ивиб, бўксам,
Қолиб кетсам чанг-лойда
Кейин ўкинма, ошнам,
Дакки ейсан ҳар жойда.

Тез қайтар олсанг кимдан
Бурнимга қулф солма.
Кутубхона дўстингдан
Тағин уятга қолма.

Ҳар ерда ҳурмат қилгин,
Дўстлашайлик умрбод.
Билим нурун симиргин,
Дил ўйинг бўлсин обод!